

8-1-2018

THE IMPORTANT ISSUES OF PRACTICE OF FINANCING CURRENT ASSETS OF ENTERPRISES

A. Taspanova
Qarshi State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Taspanova, A. (2018) "THE IMPORTANT ISSUES OF PRACTICE OF FINANCING CURRENT ASSETS OF ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 4.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Таспанова А.К.–ҚарДУ,
мустақил изланувчи**

КОРХОНАЛАР АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: корхона, айланма маблағлар, пул оқими, ҳужжатлаштирилган аккредитив, эркин иқтисодий зона, пул маблағлари кирими, пул маблағлари чикими, дебитор қарздорлик, кредитор қарздорлик, кредит.

В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием практике финансирования оборотных средств предприятий и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: предприятия, оборотные средства, денежный поток, документарный аккредитив, свободная экономическая зона, приток денежных средств, отток денежных средств, дебиторская задолженность, кредиторская задолженность, кредит.

The article reveals the problems associated with improving the practice of financing the circulating assets of enterprises and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: enterprises, working capital, cash flow, documentary letter of credit, free economic zone, cash inflow, outflow of funds, accounts receivable, accounts payable, credit.

Кириш

Корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш улар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашишга чикарилайётган маҳсулотлар ҳажмида инновацион маҳсулотлар салмоғини ошириш имконини беради.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида корхоналарнинг айланма маблағларини молиялаштиришда тижорат банкларининг кредитларидан ва қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларидан кенг фойдаланилади. Аммо, республикамиз корхоналарининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражаси паст. Бунинг устига, корхоналарнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари ривожланмаган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар корхоналарнинг айланма маблағларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг (А.Ковалева, М.Лапуста, Д.Скамай) хулосасига кўра, айланма маблағларни молиялаштиришнинг асосий манбалари бўйича таркиби ва динамикасини, уларнинг молиявий активларнинг умумий таркибидаги улушини тадқиқ қилиш молиявий риск кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради [1].

Е.Стойнованинг фикрига кўра, корхоналарнинг айланма активлари таркибидаги ўзгаришлар товарларга бўлган харид талаби таркибидаги мавсумийликнинг натижаси бўлиши мумкин. Шу муносабат билан айланма активларни бошқариш тизимини шакллантиришда молиявий давр мобайнида айланма активларнинг энг кам ва энг кўп суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобидан шаклланадиган мавсумийликни ёки бошқа даврийликни аниқлаш зарур бўлади [2].

Г.Просветовнинг хулосасига кўра, корхоналарнинг айланма маблағларини бошқариш бўйича оқилона ёндашув корхона фаолиятини амалга ошириш жараёнида вақтинчалик узилишлар юзага келган шароитда айланма маблағларнинг барча таркиби бўйича эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ва тегишли суғурта захираларини шакллантиришни кўзда тутати [3].

Таҳлиллар ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация и диверсификация қилиш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш Ҳукумат иқтисодий сиёсатининг бош устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур йўналиш доирасида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида корхоналар фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 10 та минтақасида 14 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Биргина 2017 йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва яқин вақт ичида 50 та саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда [4].

Ўзбекистон Республикасизда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитининг яратилаётганлиги, валюта муносабатларини тартибга солишнинг бозор механизмларининг жорий этилаётганлиги, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларнинг яратилганлиги эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикасизда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини етарли даражада самарали, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганларидек, ўтган 8 йил мобайнида “Навоий” эркин иқтисодий зонасида атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган.

Ўтган йили эса (2016 й.) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган [5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3175-сонли “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш борасида уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг аниқ мақсадларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа мақсадларни белгилайдиган, шунингдек, мазкур зоналарни ихтисослаштириш бўйича аниқ принцип ва ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги қайд этилди [6].

Бунинг устига, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, валюта сиёсатини либераллаштирилиши муносабати билан, миллий валютамиз – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қарийб 2 баробарга қадрсизланиши корхоналарнинг инвестицион фаоллигини маълум даражада пасайишига олиб келди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали саноат корхоналари айланма маблағларини молиялаштириш манбаларини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

“Бекободцемент” ОАЖ айланма маблағларини молиялаштириш манбалари [7]

	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п
	2013	2014	2015	2016	2017	
Корхонанинг ўз маблағлари	93,8	91,7	96,8	91,3	86,9	- 6,8
Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	2,1	6,9	2,0	7,4	11,2	9,1
Олинган бўнақлар	4,1	1,4	1,2	1,3	1,8	- 2,3
Молиялаштириш манбалари - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2013-2017 йилларда “Бекободцемент” ОАЖ айланма маблағларини молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида корхонанинг ўз маблағлари жуда юқори салмоқни эгаллаган. Бу эса, унинг маблағлар жалб қилиш амалиётини яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхонанинг ўз маблағларини айланма маблағларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги улуши 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 6,8 фоизли пунктга камайган. Ушбу камайиш мазкур даврда тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитларининг айланма маблағларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги улушини ошганлиги билан изоҳланади ва ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш

имконини беради, иккинчидан, кредитлар фоизи билан қайтарилади ва шу сабабли, корхоналар кредитлардан самарали фойдаланишга мажбур бўлишади.

Шунингдек, 1-жадвал маълумотлари кўрсатадики, “Бекабадцемент” ОАЖда қимматли қоғозларни эмиссия қилиш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиёти мавжуд эмас.

Таклифлар ва тавсиялар

1. Саноат корхоналарининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида, уларнинг пул оқими барқарорлигини таъминлаш йўли билан кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини ошириш лозим.

Бунинг учун, биринчидан, пул маблағлари кирими ва чиқимини таққослашга асосланган пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланиш йўли билан уларнинг пул оқимини реал баҳолаш зарур; иккинчидан, пул маблағлари кирими ва чиқими ўртасидаги оқилонга нисбатни таъминлашга эришиш лозим.

Халқаро амалиётда корхонанинг умумий пул оқимини барча қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш орқали унинг кредит тўловига лаёқатлилиги аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Компанияларнинг тўловга қобиллигини умумий пул оқимининг уларнинг жами мажбуриятларига нисбатан даражасига кўрааниқлаш [8]

Умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси	Кредит тўловига лаёқатлилиқ бўйича синфлар
0,75	I
0,50	II
0,30	III
0,25	IV
0,20	V
0,15	VI

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхона умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг тўловга қобиллиқ даражаси шунча юқори бўлади.

2. Саноат корхоналари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш йўли билан уларнинг айланма маблағларини молиялаштириш манбалари ҳажмини оширишга эришиш керак.

Саноат корхоналари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, ушбу қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини молиявий рисклар таъсирида пасайишининг олдини олиш лозим; иккинчидан, корхоналарда рентабеллиқнинг мўътадил ва барқарор даражасини таъминлаш зарур.

3. Саноат корхоналарида дебитор қарздорлик ҳажмини қисқартириш мақсадида улар томонидан сотилган товарларни ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва чеклар орқали тўлашни йўлга қўйиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 98,1 трлн. сўмни ташкил этди [9]. Бу эса, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 39,4 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги даврда корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз тўловларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми тўлов топшириқномаси орқали ўтказилган тўловларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Республикада амалиётда қўлланилаётган аккредитивларнинг нақд пулсиз тўловлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Бунинг устига, ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида хўжалик субъектларига тегишли пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда.

Товарларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги депонент қилинган маблағларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади. Бунда инфляция ва девальвация даражаларининг ўзгариши эътиборга олинмоқда.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланмаган ва чақириб олинмайдиган шаклларида фойдаланиш корхоналар ўртасидаги тўловсизлик миқдорини камайтириш, тижорат банкларида катта даромад олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ковалева А.М., Лапуста М.Г., Скамай Л.Г. Финансы фирмы.– М.:ИНФРА – М, 2013. – С. 159.

2. Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент: теория и практика.– М.: Перспектива, 2015. – С. 219.

3. Просветов, Г. И. Бизнес-планирование: задачи и решения. – М.: АльфаПресс, 2014. – С. 132.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 8-б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 27-б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3175-сонли “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг маъсулиятини ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №32. – 34-б.

7. ОАЖ “Бекободцемент”нинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари.

8. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. Учебник. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 387.

9. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.